# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 19 май, № 99 (6282) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.




## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси тўғрисида

# АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида 2015 йил 16 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Ялпи мажлиснинг иккинчи кунини сенаторлар конституциявий ваколатларига мувофиқ **Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2014 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни** кўриб чиқишдан бошладилар. Қайд этилдики, ҳокимият ижро этувчи тармоғининг фаолияти, хусусан, Давлат бюджетининг ижро этилиши устидан парламент назорати босқичма-босқич ва тизимли кучайтириб борилаётган шароитда Ҳисоб палатасининг бу борадаги профессионал фаолияти давлат маблағларини мақсадли ва самарали сарфланишини таъминлашнинг таъсирчан механизмларидан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан сенаторлар томонидан Ҳисоб палатаси фаолияти якунларини ҳар томонлама ва комплекс таҳлил қилиш, замонавий талаблар асосида унинг фаолияти янада такомиллаштирилиши юзасидан тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқиш Олий Мажлис Сенатининг муҳим вазифасидир.

Ҳисоб палатасининг 2014 йилдаги фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 январда бўлиб ўтган мажлисида давлат раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалар асосида амалга оширилди.

Ушбу вазифаларнинг самарали рўёбга чиқарилишини таъминлаш мақсадида Ҳисоб палатасининг 2014 йилдаги фаолиятининг асосий йўналишлари Бюджет кодексига мувофиқ Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш устидан назоратни ташкил этишдан, бюджет маблағларидан фойдаланишнинг қонунийлигини, аниқ мақсадга йўналтирилганлигини ва самарадорлигини баҳолашдан, 2015 йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасининг асосий йўналишларини экспертизадан ўтказишдан, шунингдек, берилган ваколатларга мувофиқ бошқа назорат тадбирларини ўтказишдан иборат бўлди.

Ҳисобот йилида Ҳисоб палатаси томонидан бюджет маблағларидан фойдаланишга доир 33 та йўналиш бўйича 149 та объектда назорат тадбирлари ўтказилди.

Минтақаларда аниқланган молиявий қоидабузарликлар ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда уларнинг келгусида такрорланишига йўл қўймаслик, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш устидан назорат қилишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ролини ошириш мақсадида маҳаллий бюджетларнинг ижро этилишини текшириш натижалари халқ депутатлари Жиззах, Навоий ва Андижон вилоятлари Кенгашларининг сессияларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари иштирокида, тегишли вазирлик ҳамда идораларнинг масъул ходимлари таклиф этилган ҳолда батафсил муҳокама қилинди.

Текширувлар якунларига кўра, Ҳисоб палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига маълумот тариқасидаги хатлар ҳамда тегишли вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ҳокимият органларига ижро этилиши шарт бўлган тақдимномалар киритилди. Ушбу маълумот тариқасидаги хатлар ва тақдимномаларда етказилган зарарнинг қайтарилишини ва ўрни қопланишини таъминлаш талаби билан бир қаторда Давлат бюджетининг даромадларини кўпайтириш ва уларни сарф қилиш самарадорлигини ошириш масалаларига эътибор қаратилди.

Ҳисобот йилида қилинган ишлар натижасида давлатнинг ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатларига етказилган 81,5 миллиард сўмлик зарарнинг ўрни қопланишига эришилди.

(Давоми 2-бетда).

# ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ЮКСАЛИШ ОДИМЛАРИ

*Мамлакатимизда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш, саноат корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар амалда ўз самарасини бермоқда. Жумладан, Навоий вилоятида истиқлолнинг дастлабки йилларида 110 та саноат корхонаси фаолият юритган бўлса, жорий йилга келиб, уларнинг сони 1400 тадан ошиб кетди.*





Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

**МОДЕРНИЗАЦИЯ**

Ўтган вақт мобайнида ҳудуддаги олтин, уран, цемент, фосфорит, сунъий тола, қоракўл тери каби хом ашё ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар қаторида кон-металлургия саноати ҳам жадал ривожланди. Бунга айни пайтда 59 минг нафар киши меҳнат қилаётган Навоий кон-металлургия комбинати фаолияти яққол мисол бўла олади.

Ушбу комбинатга қарашли “Мурунтоғ” кон бошқармасида босқичма-босқич модернизациялаш ишлари амалга оширилаётгани боис иш унумдорлиги тобора ортмоқда. Масалан, бу ерда 2011 йили баландлиги 270 метр, эни икки метр, умумий узунлиги 2480 метр бўлган ноёб тик нишабли конвейер ҳамда осма канатли йўл ишга туширилгач, тоғ жинсларини 37 градус қияликдаги лента ёрдамида вагонларга етказиб бериш имконияти вужудга келди. Тўртта майдалаш-юк ташиш пункти, иккита одимловчи ағдарма ҳосил қилгич, кўчма конвейер ва шағал тош йиғувчи юклагичларни ўз ичига қамраган мазкур технология ёрдамида бир кеча-кундузда 3,5 минг куб метр тоғ жинсларини манзилига етказиб бериш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

# Демократик ислоҳотларнинг ҳуқуқий асоси

*Аввал хабар қилинганидек, Олий Мажлис Сенатининг иккинчи ялпи мажлисида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг турли жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, иқтисодиётни ривожлантириш, хусусий тадбиркорликни тараққий топтириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга қаратилган қонунлар ва бошқа масалалар кўриб чиқилди. Ҳар бир масала муҳокамасига Олий Мажлис Сенатининг шу йил январда ўтказилган биринчи ялпи мажлиси ҳамда парламент палаталарининг қўшма мажлисида Президентимиз томонидан белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб ёндашилди. Буни мухбиримиз билан суҳбатда бўлган сенаторлар алоҳида қайд этишди.*

**ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ**

**Р. МАЖИДОВ,**
**Бешариқ туманидаги “Рапқон” болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори, сенатор:**

— Парламентимиз юқори палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида кўриб чиқилган масалалар, хусусан, қонунлар мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг бугунги суръатларини янада жадаллаштиришга, аҳоли турмуш фаровонлигини изчил юксалтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Дарҳақиқат, бугун юртимизда тараққиётнинг “ўзбек модели” асосида олиб борилаётган ислоҳотлар юксак самара бермоқда. Пировардида одамларимиз ҳаётдан рози бўлиб, тинч ва осуда, бахтли турмуш кечирмоқда. Бу халқаро ҳамжамият томонидан ҳам эътироф этиб келинаяпти. Хусусан, яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети социологлари томонидан ўтказилган “Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари” мавзуидаги тадқиқотга кўра, Ўзбекистонимиз 158 мамлакат орасида 44-ўринни, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ўртасида эса биринчи ўринни эгаллади. Бу, Президентимиз 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда таъкидлаганидек, мустақиллик даврида биз эришган улкан марраларни, иқтисодиётимиз барқарор суръатлар билан ривожланаётгани, одамларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати ошиб бораётгани ва бу ютуқларни дунё ҳамжамияти яна бир бор тан олаётганини кўрсатади.

Ишончимиз комилки, Сенат ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар ана шу ютуқ ҳамда марралар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

**И. КАРАТАЕВ,**
**Сайхунобод тумани Фермерлар кенгаши раиси, сенатор:**

— Мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг эмин-эркин фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Буни Президентимизнинг куни кеча қабул қилинган “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мисолида ҳам кўриш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

# ДАСТУР МАҚСАДИ — АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ВА ҲАЁТ СИФАТИНИ ЯНАДА ОШИРИШДИР

Ўзбекистонда 2015 — 2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури қабул қилинди.

Мамлакатимизда транспорт коммуникациялари, замонавий телекоммуникация тизимларини ривожлантириш, муҳандислик-инфратузилма объектларини барпо этиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг самарасида Ўзбекистон миллий автомагистралининг 2 минг километрдан зиёд қисми қурилди ва реконструкция қилинди. Темир йўлларнинг умумий узунлиги 4,6 минг километрдан ошди ва уларнинг 34 фоизи электрлаштирилди. 16 минг километрдан ортиқ оптик толали алоқа тармоқлари бунёд этилди. Бугунги кунда 20 миллиондан зиёд абонент мобиль алоқадан фойдаланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ қабул қилинган 2015 — 2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастурининг ижроси мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг узвий давоми бўлади. Мазкур дастур автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш, темир йўл ва ҳаво транспортини янада ривожлантириш, электр ва сув таъминоти тизимларини модернизациялаш, иқтисодиёт тармоқларига илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш каби кенг кўламли мақсад ва вазифаларни қамраб олган.

Давлатимиз раҳбари шу йил 16 январда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, ривожланган инфратузилмани ташкил этмасдан, биринчи навбатда, ахборот-коммуникация тизими, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация қурилишини тараққий эттирмасдан туриб, иқтисодиётимизни таркибий жиҳатдан ўзгартиришга эришиш мумкин эмас.

Дастурнинг асосий мақсади ушбу вазифаларни амалга оширишдир. Унга мувофиқ, 2015 — 2019 йилларда 25 минг километрдан зиёд электр таъминоти тармоқлари ҳамда 5 мингта трансформатор пунктини қуриш ва модернизация қилиш режалаштирилган.

Мамлакатимиз ривожи, одамларнинг даромадлари ортиши билан аҳоли турмуш даражаси юксалиб бормоқда. Барча ҳудудларда маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ривожланмоқда, янги кичик корхоналар ташкил этилмоқда, аҳоли учун замонавий уй-жойлар кўпаймоқда. Тадқиқотларга қараганда, бугунги кунда юртимиздаги оилаларнинг 94 фоизи холодильниклар, 84 фоизи турли ошхона электр жиҳозларига, 63 фоизи кир ювиш машиналари, ярмидан кўпи компьютер, чангютгич, микротўлқинли печларга эга, учдан бир қисми кондиционерлардан фойдаланмоқда.

Булар жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараларидир. Лекин электр энергияси истеъмолининг ортиши узатиш тармоқларига муайян қийинчилик туғдириши мумкин. Негаки, мавжуд қувватлар бундай кучланишга мўлжалланмаган.

(Давоми 2-бетда).

# УМУМИЙ ХАВФГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК

*Тошкент шаҳрида 21 май куни Жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳининг 22-ялпи мажлиси бошланади.*

Унда Евроосиё гуруҳига аъзо давлатлар — Ўзбекистон, Беларусь, Ҳиндистон, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, Туркманистон делегациялари, шунингдек, қатор давлатлар ва кузатувчи ташкилотлар вакиллари иштирок этади. Улар орасида Пул маблағларини ўзлаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳ, ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси, МДҲ Аксилтеррор маркази, ЕХҲТ вакиллари, шунингдек, Италия, Польша, АҚШ, Франция ва Черногориядан экспертлар бор.

Ялпи мажлисда Евроосиё гуруҳи фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш масалалари кўриб чиқилади. Экспертлар маблағ ноқонуний ўзлаштирилиши ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича миллий тизимларни такомиллаштиришга доир турли чораларга алоҳида эътибор қаратади. Шунингдек, минтақа давлатлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама этилади.

18 майдан Евроосиё гуруҳига кирадиган беш ишчи гуруҳнинг йиғилишлари бошланди. Уларнинг кун тартибига терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш, ўзаро техник кўмаклашиш, ҳуқуқий ва бошқа масалалар киритилган.

Евроосиё гуруҳи мажлисининг Ўзбекистонда ўтказилиши мамлакатимизнинг глобал таҳдидларга қарши курашишда фаол иштирок этаётгани эътирофидир. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан Ўзбекистон тинчликпарвар сиёсат юритиб келмоқда, терроризм ва диний экстремизмга қарши курашишда қатъий позицияга эга. Мамлакатимиз шу мақсадда 2005 йилда Евроосиё гуруҳига аъзо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Евроосиё гуруҳи тўғрисидаги шартномаларни амалга ошириш бўйича мамлакатимизнинг махсус давлат ваколатли органи ҳисобланади.

**Сардор ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди.

Комиссия йиғилишида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ижроси, ўқув жараёнининг давлат таълим стандартлари асосида ташкил этилиши, ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминланиши ҳамда моддий-техника базасидан самарали фойдаланилиши, шунингдек, бу борада Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида амалга оширилган ишларнинг аҳволини ўрганиш натижалари муҳокама этилди.

Йиғилишда мамлакатда умумий ўрта, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги, узлуксизлиги ҳамда изчиллигини таъминлаш, таълим жараёнини давлат стандартларига мос равишда ташкил қилиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, баркамол авлодни тарбиялаш борасида таълим муассасалари, маҳалла, ички ишлар органлари ва бошқа мутасадди идоралар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорликда муайян ишлар амалга оширилаётганлиги таъкидланди.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва унинг қуйи тизимлари фаолиятида йўл қўйилаётган нуқсонлар танқид қилинди.

Йиғилишда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, инновацион усулларни жорий қилиш орқали таълим сифатини ошириш, таълим муассасаларида давоматни мониторинг қилиш, ўқув адабиётлари билан таъминлаш, шунингдек, ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда мутасадди идоралар масъулиятини ошириш ва ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

(Давоми 2-бетда).

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Масалани муҳокама этиш чоғида сенаторлар Ҳисоб палатаси назорат тадбирларини кучайтириш ва самарадорлигини оширишга, молиявий ҳуқуқбузарликлар сонини қисқартириш ва келгусида такрорланишининг олдини олиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўришга қаратилган ўз таклиф ва тавсияларини билдирдилар. Шунингдек, Давлат бюджетининг ижро этилиши устидан парламент назоратини амалга ошириш соҳасида Ҳисоб палатасининг Олий Мажлис билан ҳамкорлигини кучайтиришга, шунингдек, Олий Мажлис Сенатининг назорат-таҳлил тадбирларига Ҳисоб палатаси вакилларини жалб қилишга доир аниқ таклифлар ҳам ишлаб чиқилди.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Сенаторлар **Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ҳисоботини** ҳам тингладилар. Ҳисоботни муҳокама этиш чоғида **Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2014 йилдаги фаолияти** атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратининг самарадорлигини оширишга, табиатни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида тармоқлараро бошқарувни кучайтиришга, экология тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилганлиги қайд этилди.

Олий Мажлис Сенатининг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2013 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи якунларига доир қарорини бажариш мақсадида қабул қилинган тадбирлар дастурига мувофиқ ушбу дастурнинг 11 асосий йўналиши бўйича 33 та тадбир бажарилди.

Экологик назоратни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг асосий вазифаларидан бири бўлгани ҳолда, 2014 йилда экологик назорат 2013 йилнинг охирида қабул қилинган “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, принципиал жиҳатдан янги шароитларда амалга оширилди. Мазкур Қонун, биринчи навбатда, назорат қилиш ва мониторинг қилишнинг замонавий шакллари ва усулларини жорий этиш, жамоатчиликни ушбу жараёнга кенг жалб қилиш, ушбу мақсадларда ижтимоий экологик назорат ўтказилишини аниқ тартибга солиш, давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини кучайтиришга, шунингдек, табиатдан фойдаланувчиларнинг табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш учун жавобгарлигини оширишга доир самарали чора-тадбирлар ҳисобига экологик назорат самарадорлигининг сифати оширилишига кўмаклашди. Сенаторлар ушбу қонуннинг Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан бажарилишининг боришини ҳамда ушбу соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини батафсил муҳокама этдилар.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ташаббусига кўра, 2014 йилда Ҳукуматнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни тиклаш соҳасидаги 10 та қарори қабул қилинди. Ушбу қарорлар манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда жамоатчиликнинг фаол иштирокида ишлаб чиқилди.

2013 — 2017 йилларда атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастурини, шунингдек, унинг асосида қабул қилинган ҳудудий дастурларни рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳисобот йили мобайнида 951 хўжалик юритувчи субъект текширилди, 15 мингдан ортиқ тезкор назорат тадбири ўтказилди. Саноат корхоналарида табиатни муҳофаза қилишга доир тадбирлар ўтказилиши натижасида атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқарилиши 7,0 тоннага камайди.

Шунингдек, энергиянинг қайта тикланадиган манбаларини фаол жорий этиш масалалари ҳам диққат-эътиборда бўлди. Хусусан, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ижтимоий муҳим объектларда табиатни муҳофаза қилиш маҳаллий фондларининг маблағлари ҳисобидан қуёш батареяларини ўрнатиш лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Ҳисоботни муҳокама этиш чоғида сенаторлар Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг фаолиятини янада такомиллаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳаракат дастурини рўёбга чиқаришга қаратилган қўмита фаолиятининг самарадорлигини ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан самарали экологик назоратни амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар кўриш, экологик туризмни ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, шу жумладан, экологик хавфсизликнинг трансчегара таҳдидларига қарши курашиш юзасидан аниқ таклиф ҳамда тавсиялар бердилар.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқдилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тегишли қарорлар қабул қилди.

Сенатнинг икки кунлик мажлиси давомида мамлакатимизда демократик, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш ва изчил чуқурлаштириш соҳасидаги аниқ вазифаларни ҳал қилишга, Асосий Қонунимизнинг низомларини амалда рўёбга чиқаришга, шунингдек, республиканинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга, тадбиркорлик фаолиятини кучайтиришга ва ишчанлик муҳитини оширишга ҳамда инсонларнинг фаровонлигини юксалтиришга қаратилган 17 та масала, шу жумладан, 7 та Қонун кўриб чиқилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

---

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу боис дастурда ҳудудлар кесимида электр энергиясини тақсимлаш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш доирасида «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «ЎзМобайл» филиали негизида миллий мобиль алоқа оператори тармоғини барпо этиш, оптик толали алоқа тармоқларини кенгайтириш, рақамли телевидениени ривожлантириш, коммутация марказларини модернизация қилиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган. Мобиль алоқа хизматларини кенгайтириш, жумладан, 4G технологияларини жорий этиш, маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказини яратиш кўзда тутилган.

Шу боис дастурда замонавий йўллар қуришга алоҳида эътибор қаратилган. 2,5 минг километрдан ортиқ автомобиль йўлини таъмирлаш ва реконструкция қилиш белгиланган.

Дастурга мувофиқ, Ўзбекистон миллий автомагистралида олиб борилаётган қурилиш ва реконструкция ишлари тўлиқ якунланади. Андижондан Қўнғиротгача, Самарқанддан Термизгача бўлган автомобиль йўллари жаҳон стандартлари талабларига мос даражада янгиланади.

## ДАСТУР МАҚСАДИ — АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ВА ҲАЁТ СИФАТИНИ ЯНАДА ОШИРИШДИР

Бу соҳада умумий қиймати 800 миллион доллардан зиёд бўлган кўплаб лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган.

Дастур доирасида темир йўлларнинг қайта тикланиши ва электрлаштирилиши ҳам эътиборга молик. Хусусан, «Самарқанд — Бухоро», «Самарқанд — Қарши» ҳамда «Қарши — Термиз» темир йўл участкалари электрлаштирилади. Бу ёнилғи сарф-харажатларига кетадиган маблағни тежаш билан бирга, йўловчи ташишни кўпайтириш, туризмни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

«Самарқанд — Бухоро» ҳамда «Самарқанд — Қарши» оралиғидаги темир йўл электрлаштирилгач, ушбу йўналишларда ҳам тезюрар поездлар ҳаракатланади. Бунинг учун яна иккита замонавий электропоезд харид қилиниши мўлжалланган.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси тизимида ҳам қатор ишлар амалга оширилади. Пойтахтимизда янги «Тошкент-4» халқаро йўловчи терминалини барпо этиш, компания авиапаркини замонавий авиалайнерлар билан янгилаш ва бойитиш лойиҳалари шулар жумласидандир. Умуман, бу соҳада бир миллиард доллардан зиёд қийматдаги лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган.

Мамлакатимизда йўл-транспорт инфратузилмаси замон талаблари асосида ривожлантирилаётгани самарасида иқтисодиётимиз жадал тараққий этмоқда. Мисол учун, Қўнғирот сода заводи ёки Деҳқонобод калийли ўғитлар заводини олайлик. Маълумки, бу корхоналар юртимизнинг чекка ҳудудларида жойлашган. Агар замонавий йўл инфратузилмаси бўлмаса, уларни ишга тушириш, самарали ишлатиш мумкинми? Албатта, йўқ.

Шунингдек, 4 минг километрдан зиёд хўжаликлараро йўллар, қарийб 2 минг километр шаҳар, қишлоқ ва туман марказлари кўчалари таъмирланиши режалаштирилган.

Аҳоли турмуш даражасини юксалтириш мақсадида Дастурда ичимлик суви ҳамда канализация тармоқларини қуриш ва янгилаш бўйича ҳам муайян ишлар белгиланган. Жумладан, 8 минг километрдан ортиқ ичимлик суви, 350 километрдан зиёд санитар тозалаш тармоқларини модернизация қилиш мўлжалланган.

Ушбу дастурдаги мақсадларни амалга ошириш учун 9 миллиард доллардан ортиқ маблағ, жумладан, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Осиё инфратузилмавий инвестиция банки, Хитойнинг Эксимбанки каби йирик халқаро молия институтларининг инвестициялари йўналтирилиши кўзда тутилган.

2015 — 2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури пировард натижада мамлакатимиз саноат салоҳиятини ва аҳоли фаровонлигини янада оширади. Замонавий йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасининг барпо этилиши иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва технологик янгилашга кенг шароит яратади, иқтисодиётнинг жадал ривожланишига туртки бўлади. Бунинг самарасида ташкил этиладиган янги иш ўринлари ёшлар бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлади.

**ЎзА.**

---

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг

ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ВАКИЛИНИ (ОМБУДСМАННИ) САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 78-моддасининг 16-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Улуғбек Насриддинович **Мухаммадиев** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) этиб сайлансин.

2. Ушбу Қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилсин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Н. ИСМОИЛОВ**

*Тошкент шаҳри, 2015 йил 14 май*

---

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг

ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ВАКИЛИНИ (ОМБУДСМАННИ) САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 78-моддасининг 16-бандига ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни 8-моддасининг 16-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2015 йил 14 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини (омбудсманни) сайлаш тўғрисида»ги 134 – III-сонли Қарори маълумот учун қабул қилинсин.

2. Улуғбек Насриддинович **Мухаммадиев** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) этиб сайлансин.

3. Ушбу Қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилсин.

4. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н. ЙЎЛДОШЕВ**

*Тошкент шаҳри, 2015 йил 15 май*

---

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг

ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Рашитжон Хамидович **Кадиров** Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяси этиб сайлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н. ЙЎЛДОШЕВ**

*Тошкент шаҳри, 2015 йил 16 май*

---

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг

ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИНИНГ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари этиб сайлансин:

**Касимов** Ихтияр Уралович
**Расулбердиев** Умиджон Ўринбоевич
**Тангабаев** Бахром Абдувалиевич
**Туланов** Махаматиброхим Азимович.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н. ЙЎЛДОШЕВ**

*Тошкент шаҳри, 2015 йил 16 май*

---

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг

ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИНИНГ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. **Исаков** Бахтиёр Турсинматович Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг биринчи ўринбосари этиб сайлансин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьялари этиб сайлансин:

**Алимов** Ибрагим Мирзарахимович
**Махмудов** Алишер Шавкатович.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н. ЙЎЛДОШЕВ**

*Тошкент шаҳри, 2015 йил 16 май*

---

## Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу билан бирга, мазкур соҳадаги қонунчилик ижросини сўзсиз таъминлаш мақсадида Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия таркибига кирувчи мутасадди идора ва ташкилотларнинг фойдаланилмаётган имкониятларини тўлиқ сафарбар қилиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Кун тартибидаги масала юзасидан олий ва ўрта махсус таълим вазири, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимлари ҳамда прокурорларининг ҳисоботлари эшитилди.

Кўриб чиқилган масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия тегишли қарор қабул қилди.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Матбуот хизмати.**

---

# Демократик ислоҳотларнинг ҳуқуқий асоси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Сенатнинг иккинчи ялпи мажлисида ҳам ушбу ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлган, иқтисодиётимизда эришилаётган бугунги натижа ва марраларни янада мустаҳкамлашга қаратилган қонунлар кўриб чиқилди. Жумладан, сенаторлар томонидан маъқулланган янги таҳрирдаги “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги, “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонунлар ана шу мақсадларга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир. Қимматли қоғозлар бозори ҳуқуқий асосларининг янада такомиллаштирилиши давлат корхоналари ва хўжалик жамиятларига ишлаб чиқариш ҳамда бошқа инфратузилмаларни барпо этиш ва қайта тиклашни молиялаштириш учун пул маблағларини жалб қилишга қулай шарт-шароит яратади. Шу маънода айтганда, асосий ғояси молия бозорида ва умуман, иқтисодиётда қимматли қоғозлар роли ҳамда аҳамиятини ошириш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш бўлган мазкур ҳуқуқий ҳужжат республикамизда олиб борилаётган ислоҳотлар, ҳудудлар ва умумдавлат манфаатлари билан уйғундир.

**Б. МАТМУРАТОВ,**
**Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси:**

— Юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ҳамда очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш, ҳокимиятнинг вакиллик органлари ваколатларини кенгайтириш, жойларда ижро органлари ҳисобдорлигини оширишга қаратилган тизимли ҳамда тадрижий ислоҳотлар рўёбга чиқарилмоқда.

Сенаторлар томонидан маъқулланган “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида”ги Қонунга тегишли қўшимчалар ҳам ушбу саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми эканини айтиш зарур. Қонунга биноан, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли мажлисидан сўнг ўтказиладиган минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига бағишланган мажлисларида халқ депутатлари Кенгаши томонидан ҳоким ҳисоботини эшитишнинг ҳуқуқий механизми белгилаб берилмоқда. Бунда вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимининг ҳисоботи Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида белгиланган вазифаларни инобатга олган ҳолда, туман ва шаҳар ҳокимининг ҳисоботи эса Вазирлар Маҳкамасининг, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг мажлисларида белгиланган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда муҳокама этилади. Бу маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлашга хизмат қилади.

**Ш. МАМАТҚУЛОВ,**
**Олтинкўл туманидаги Олтинкўл иқтисодиёт коллежи директори, сенатор:**

— Президентимиз парламент палаталарининг шу йил январь ойидаги қўшма мажлисида Олий Мажлис палаталарининг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, қабул қилинаётган қонунлар, муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий давлат дастурлари ижросини сўзсиз таъминлаш борасидаги фаолияти сифат жиҳатидан янги асосда қурилиши лозимлигини таъкидлаган эди. Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2014 йилдаги фаолияти ҳисоботини кўриб чиқишда ана шу мезонлар асосида ёндашганини қайд этиш лозим. Бинобарин, парламент назорати тадбирлари нечоғли самарали ташкил қилинса, қонунларнинг сўзсиз ижро этилиши таъминланади, мансабдор шахсларнинг масъулияти ошади. Шу боис сенаторлар Ҳисоб палатасининг 2014 йилдаги фаолияти ҳисоботини кўриб чиқишда давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан назоратни янада кучайтириш, бу борадаги муаммоларни ҳал қилиш бўйича аниқ таклифларни билдиришди.

**Ш. АРИПОВА,**
**Термиз шаҳридаги 4-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернати директори, сенатор:**

— Сенат ялпи мажлисида юртимизда кечаётган социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш, фуқаролар соғлиғини сақлашга доир қонунлар, долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Биз, сенаторлар ушбу ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка тушунтиришимиз, аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишимиз, бу борада жойларда маҳаллий Кенгашлар депутатлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, соҳа мутахассислари, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан самарали фойдаланишимиз зарур. Негаки, ушбу қонунлар мамлакатимизда демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган, инсон ҳуқуқи ҳамда эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳаётимизга жорий этилаётган демократик ўзгариш ҳамда ислоҳотларнинг амалий ва узвий давоми бўлиб, ҳар бир фуқаронинг шуурига етиб борсагина, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади, амалий ифодасини топади.

**Қобил ХИДИРОВ ёзиб олди.**

---

## ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ЮКСАЛИШ ОДИМЛАРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Шу билан бирга, мазкур конвейернинг фойдаланишга топширилиши билан ҳар бир транспортда юк ташиш ишлари бир кеча-кундузда 3,5 километргача қисқарди, — дейди “Мурунтоғ” кон бошқармаси смена бошлиғи Жасурбек Исматов. — Пировардида биргина ўтган йили ёқилғи сарф-харажатларини қисқартириш эвазига 2,2 миллиард сўмдан ортиқ маблағни тежашга муваффақ бўлдик.

Яна бир эътиборли жиҳати, айни пайтда замонавий кон бошқармасида “Тоғ-кон механизм ва транспорт воситаларини диспетчерлаштириш тизими”, яъни GPS навигация технологиясидан ҳам самарали фойдаланилмоқда. Бу эса транспорт воситаларининг мақсадли ҳаракатланишини назорат қилиш ва техник ҳолатини бошқаришда жуда қўл келаяпти.

Мухтасар айтганда, бугун навоийлик despite кончилар берилган имконият ва шарт-шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда, астойдил меҳнат қилишаётир. Уларнинг ғайрат-шижоатида юртимизнинг равнақига муносиб ҳисса қўшишдек эзгу мақсадлар мужассам эканлиги янада қувонарлидир.

**Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

ЖАХОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Канаданинг "Bombardier Inc" самолётсозлик компанияси "Global 5000" ва "Global 6000" русумидаги шахсий лайнерларни ишлаб чиқаришни қисқартиради.*

## Талаб ва таклиф мувозанати



Бундан ташқари, корхона 1750 нафар ходим билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилишни ҳам мўлжалламоқда. Бунга мазкур ҳаво кемаларига эҳтиёж камайиб кетгани сабаб бўлган.

— Талаб ва таклиф мувозанатини таъминлашга эришишимиз керак, — дейди компаниянинг шахсий самолётлар ишлаб чиқариладиган бўлими бошлиғи Эрик Мартель. — Ана шунда фаолиятимизда ижобий натижалар кўзга ташланади.

## Инвестиция киритади

*Хитой Бразилияга инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш учун 50 миллиард АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритади.*

Бу ҳақда "CNN Expasion" телеканали Бразилия ташқи ишлар вазирлигининг Осиё ва Океания ишлари бўйича вакили Жозе Альфред Грасга асосланиб хабар тарқатди.

Маълум қилинишича, мазкур сармоя оғир саноат, инфратузилма, транспорт ва энергетика соҳаларидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун йўналтирилади.

## Энг қиммат савдо белгилари

*"Forbes" журнали дунёдаги энг қиммат савдо белгилари рўйхатини эълон қилди.*



Унда АҚШнинг "Apple" бренди биринчи ўринни банд этди. Нашр экспертлари фикрига кўра, мазкур савдо белгисининг қиймати ўтган йилда 17 фоиз қимматлашиб, унинг нархи 145,3 миллиард долларга етган.

Рўйхатда навбатдаги юқори поғоналарга "Microsoft", "Google", "Coca-Cola" ва "IBM" брендлари лойиқ кўрилди.

## Фавқулодда ҳолат

*АҚШнинг Небраска штатида парранда гриппи билан боғлиқ фавқулодда ҳолат жорий этилди.*

Гап шундаки, ҳозир бу ерда мазкур хасталикнинг "H5N2" тури билан зарарланган 33 миллион донага яқин товуқ ва курка аниқланган. Уларнинг бир қисми йўқ қилинган. Айни кунларда тозалаш тадбирлари давом эттирилмоқда.

Олдинроқ эса бундай фавқулодда ҳолат Айова, Миннесота ва Висконсин штатларида ҳам жорий қилинган эди.

Парранда гриппи туфайли мазкур ҳудудларда тухум ва курка гўшти нархи сезиларли даражада қимматлашган.

## Тахмин қилинганидан кўп

*Испаниянинг "Telefonica" телекоммуникация компанияси жорий йилнинг биринчи чорагини яхшигина даромад билан якунлади.*

"Евроньюс" телеканали хабарига қараганда, бу даврда корхона кўрган соф фойда миқдори ўтган йилнинг дастлабки чорагидагига нисбатан 2,5 фоиз ўсган. Натижада у 1,8 миллиард евро миқдорида маблағ ишлаб олган. Мазкур кўрсаткич таҳлилчилар прогнозидан анча кўп. Негаки, экспертлар "Telefonica" жорий йилнинг дастлабки уч ойида кўпи билан 700 миллион евро фойда кўришини тахмин қилишган эди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

**Р. Глиэр номидаги**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МУСИҚА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИ**



**(мактаб синфларига) 2015/2016 ўқув йилига 1 ва 5-синфларга ўқувчилар қабулини эълон қилади.**

*Ҳужжатлар 2015 йил 22 майдан 5 июнгача соат 9.00 дан 15.00 гача топширилиши керак.*

**Маслаҳат кунлари — 26 майдан 5 июнгача. Қабул имтиҳонлари 6 ва 7 июнь кунлари бўлиб ўтади.**

**Манзил:**
**Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 4-уй.**
**Телефон: (0-371) 246-03-24.**
**28, 76, 131, 87, 34-автобусларнинг «Талабалар шаҳарчаси» бекати.**

589R/310

ЭЪЛОНЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**
**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

**вакант (бўш) профессор-ўқитувчилар лавозимига танлов эълон қилади.**

- **Назарий ва амалий механика кафедраси:** ассистент.
- **Инглиз тили кафедраси:** ассистент.
- **Чизма геометрия ва компьютер графикаси кафедраси:** катта ўқитувчи, ассистент.
- **Ипак ва йигириш технологияси кафедраси:** катта ўқитувчи.
- **Тўқимачилик материалшунослиги кафедраси:** профессор.
- **Кимёвий технология кафедраси:** ассистент.
- **Матбаа ва қадоқлаш жараёнлари технологияси кафедраси:** доцент, катта ўқитувчи.
- **Касб таълими кафедраси:** ассистент.

*Танловда иштирок этишни хоҳловчилар ректор номига ариза билан кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, дипломлар ва аттестатлар нусхалари, илмий ишлар ҳамда ихтиролар рўйхати, малака оширганлик тўғрисидаги ҳужжатлар нусхаларини топширадилар.*
*Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.*
*Эслатма: мазкур институтда ишловчи шахслар ўтган муддат бўйича кафедрада ҳисобот берадилар, четдан танловда иштирок этувчилар синов дарслари ўтказади.*

**Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шоҳжаҳон кўчаси, 5-уй, 3-бино, 2-хона. Телефон: (0-371) 253-17-78.**

687A/353

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ**

қуйидаги вакант лавозимларга танлов эълон қилади

**I. Кафедра мудирлари:**

1. Кончилик иши.
2. Ноёб ва радиактив металлар рудаларини қазиб олиш, қайта ишлаш техникаси ва технологияси.
3. Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари.
4. Машинасозлик технологияси ва машинасозлик ишлаб чиқаришини автоматлаштириш.
5. Ўзбек ва чет тиллар.
6. Жисмоний маданият.
7. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.
8. Олий математика.

**II. Қуйидаги кафедралар профессор, доцент, катта ўқитувчи ассистентлари:**

**Кончилик иши:** профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
**Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари:** профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
**Ноёб ва радиактив металлар рудаларини қазиб олиш, қайта ишлаш техникаси ва технологияси:** профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин.
**Ўзбек ва чет тиллар:** профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
**Ижтимоий-гуманитар фанлар:** профессор — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
**Металлургия:** доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
**Кимёвий технология:** профессор — 1 ўрин.
**Электр энергетикаси:** профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
**Машинасозлик технологияси ва машинасозлик ишлаб чиқаришини автоматлаштириш:** профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.

**ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ**
**бўйича вакант ўринлари**

**I. Кафедра мудирлари:**

1. Кончилик иши.
2. Металлургия ва кимёвий технология.
3. Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари.

**II. Қуйидаги кафедралар профессор, доцент, катта ўқитувчи ассистентлари:**

**Кончилик иши:** доцент — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
**Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари:** профессор — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
**Ижтимоий-гуманитар фанлар:** доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
**Металлургия ва кимёвий технология:** доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.

**ЗАРАФШОН УМУМТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ**
**бўйича вакант ўринлари**

**I. Кафедра мудири:**

1. Ижтимоий-гуманитар фанлар.

**II. Қуйидаги кафедралар профессор, доцент, катта ўқитувчи ассистентлари:**

**Ижтимоий-гуманитар фанлар:** катта ўқитувчи — 1 ўрин.
**Табиий ва умумтехника фанлари кафедраси:** доцент — 1 ўрин.

*Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилиши шарт:*

1. Ректор номига ариза.
2. Кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа.
3. Олий маълумот тўғрисида диплом нусхаси.
4. Илмий даража, илмий унвон, шунингдек, илмий ишлар, ихтиролар мавжуд бўлган тақдирда, уларга тегишли дипломлар, аттестациялар нусхалари.
5. Илмий-услубий ишлар рўйхати.
6. Малака ошириш тўғрисида гувоҳномалар.

*Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.*

**Манзил: Навоий шаҳри, Жанубий кўчаси, 27-«А» уй, Навоий давлат кончилик институтининг ўқув-услубий бўлими.**
**Мурожаат учун телефон: (0-436) 770-29-40.**

305/193

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

*очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.*

«Capital realtor group» МЧЖда 2015 йил 23 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан ФИБ Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 24 июлдаги 2-23-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Бўзбозор 7-тор кўчаси, 21-уй, 9 ва 11-хонадонларда жойлашган, умумий майдони 152 кв.м., фойдаланиш майдони 114 кв.м. бўлган офис хоналари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 212 860 000 сўм.***

**2015 йил 9 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:**

**I.** Суд қарорларини ижро этиш департаменти томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 5 мартдаги ЖСҲ-1-69/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

**1.** Наманган вилояти, Наманган шаҳри, 2-микрорайонда жойлашган, ер майдони 0,29 гектар, қурилиш ости майдони 1081,75 кв.м. бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаси.

***Бошланғич баҳоси — 1 317 621 690 сўм.***

**2.** Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Чангалзор-Мавзук кўчаси, 3-уйда жойлашган, ер майдони 15844 кв.м., фойдаланиш майдони 2892,3 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш ҳудуди.

***Бошланғич баҳоси — 2 808 670 000 сўм.***

**3.** Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 5-«А» уйда жойлашган, ер майдони 4611 кв.м., фойдаланиш майдони 1782,2 кв.м. бўлган «Сабо» тўйхонаси.

***Бошланғич баҳоси — 4 075 660 000 сўм.***

**4.** Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Тузель» ҚФЙда жойлашган, умумий майдони 6377,43 кв.м., қурилиш ости майдони 1121,4 кв.м. бўлган автосарой бинолари.

***Бошланғич баҳоси — 604 310 000 сўм.***

**5.** Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Бурчмулла қишлоғида жойлашган, умумий майдони 792 кв.м., қурилиш ости майдони 730,4 кв.м. бўлган дала-ҳовли.

***Бошланғич баҳоси — 653 690 000 сўм.***

**6.** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 62-уйда жойлашган, умумий майдони 836 кв.м. бўлган маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси.

***Бошланғич баҳоси — 1 506 820 000 сўм.***

**7.** Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Оқ қовоқ» ҚФЙ, «Оқ олтин» МФЙда жойлашган, умумий майдони 643 кв.м., қурилиш ости майдони 180,92 кв.м. бўлган тураржой.

***Бошланғич баҳоси — 107 760 000 сўм.***

**II. Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан:**

**1.** ЖИБ Юнусобод тумани судининг 2014 йил 24 мартдаги 1-12/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Навоий кўчаси, Марказ-4, 11-«Б» уйда жойлашган, умумий майдони 10681 кв.м. бўлган кўп тармоқли бино.

***Бошланғич баҳоси — 17 210 561 247 сўм.***

**2.** ФИБ Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2014 йил 26 августдаги 38709-10/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳ. Абдуллаев кўчаси, 42-уй, 3-хонадонда жойлашган, умумий майдони 78,36 кв.м., фойдаланиш майдони 46,21 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 140 281 400 сўм.***

**III. Мирobод тумани СИБ томонидан:**

**1.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 17 ноябрдаги 1-540/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Чехов кўчаси, 40-уйнинг ертўла қисмида жойлашган, умумий майдони 20 кв.м. бўлган 24-сонли автомобиль сақлаш жойи.

***Бошланғич баҳоси — 27 941 969 сўм.***

**2.** ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2012 йил 1 июндаги 2-26-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ 7-берк кўчаси, 10-уйда жойлашган, умумий майдони 202,07 кв.м., фойдаланиш майдони 115,24 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 154 527 263 сўм.***

**IV. Миробод тумани СИБ томонидан ЖИБ Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг 2014 йил 22 мартдаги 123725/109601-сонли ижро варақасига асосан хатланган:**

**1.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 10-уйнинг ертўла қисмида жойлашган, умумий майдони 38 кв.м. бўлган 15-сонли автомобиль сақлаш жойи.

***Бошланғич баҳоси — 37 195 826 сўм.***

**2.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 10-уйнинг ертўла қисмида жойлашган, умумий майдони 38 кв.м. бўлган 16-сонли автомобиль сақлаш жойи.

***Бошланғич баҳоси — 37 195 826 сўм.***

**3.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 10-«Б» уйнинг ертўла қисмида жойлашган, умумий майдони 73 кв.м. бўлган 43 ва 45-сонли автомобилларни сақлаш жойлари.

***Бошланғич баҳоси — 71 455 139 сўм.***

**4.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Эски саракўл кўчаси, 81-83-уйларда жойлашган, ер майдони 909,34 кв.м., умумий майдони 179,10 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 195 977 667 сўм.***

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (0-371) 250-19-24.**

707A/34

Хизматлар лицензияланган.

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**
**Сирдарё вилояти филиали**

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

Аукцион савдосига Сардоба тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти Хўжалик судининг 2013 йил 29 июлдаги 12-1106/6221(27.1)-сонли, 2011 йил 1 июлдаги 12-1106/6243(27.1)-сонли, 2011 йил 11 июлдаги 12-1106/6236(27.1)-сонли ва 2011 йил 11 июлдаги 12-1106/6238(27.1)-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Сардоба тумани, Пахтаобод шаҳарчаси, Шарқ кўчасида жойлашган, «Пахтаобод пахта тозалаш» АЖга тегишли идора биноси бошланғич баҳоси арзонлаштирилган ҳолда, такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 266 148 016 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 2 июнь куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 29 май куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг ДАТ «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

**Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона.**
**Телефон: (0-367) 226-38-91.**
**Расмий сайт: www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**хорижий ва маҳаллий сармоядорлар ҳамда мулкдор бўлиш истагидаги фуқароларни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида ташкил этилаётган оммавий савдоларга таклиф қилади.**

Сиз савдоларимизда мавжуд, давлат дастурига киритилган ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга тегишли кўчмас мулк объектлари, уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича маълумотларни **www.1kms.uz** сайти орқали олишингиз мумкин.

**Телефонлар: (0-371) 228-84-48, 200-10-01.**
**Факс: (0-371) 228-80-24.**

703A/02

**«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

**1.** Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан тақдим этилган, Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2015 йил 4 мартдаги 1-499/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Кўксарой» ҚФЙ, Чиғатой 1-тор кўчаси, 7-уйда жойлашган, ер майдони 600,0 кв.м., қурилиш ости майдони 88,0 кв.м., тураржой майдони 59,76 кв.м. бўлган 3 та хонадан иборат уй-жой (ҳовли).

***Бошланғич баҳоси — 36 700 000 сўм.***

**2.** Тошкент шаҳар Чилонзор тумани СИБ томонидан тақдим этилган, Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2015 йил 12 февралдаги 1-522/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, «Истиқлол» ҚФЙ, Ўзбекистон қишлоғида жойлашган, ер майдони 0,266 гектар, фойдаланиш майдони 487,42 кв.м.дан иборат бўлган маъмурий бино.

***Бошланғич баҳоси — 500 000 000 сўм.***

**3.** Жиноят ишлари бўйича Самарқанд тумани судининг 2014 йил 1 майдаги 1-79-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Лутфий кўчаси, 54-уйда жойлашган, умумий майдони 1371,0 кв.м.дан иборат бўлган маросимлар уйи биноси.

***Бошланғич баҳоси — 1 656 289 977 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 18 июнь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Учтепа тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2015 йил 27 январдаги 10-1420/23150-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Тошкент ҳалқа йўли, Саноат ҳудуди, 5-уйда жойлашган, умумий майдони 165,0 кв.м. бўлган 159, 160, 161, 162, 165, 166, 167 ва 168-сонли савдо дўконларидан иборат қурилиш моллари савдо мажмуаси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 250 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 2 июнь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko'p tarmoqli ko'chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона.**
**Телефонлар: (0-371) 249-54-59, 249-53-61.**

715A/6

Хизматлар лицензияланган.

# Спорт

*Челябинск шаҳрида таэквондо (WTF) бўйича катталар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида уч нафар ҳамюртимиз совриндор бўлди.*

## Таэквондочиларимиз совриндорлар сафида



Айтиш жоизки, нуфузли мусобақада 140 дан зиёд давлатдан энг кучли таэквондочилар совринли ўринлар ҳамда 2016 йили Бразилия давлати мезбонлик қиладиган Олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи муҳим рейтинг очколари учун беллашишди. Айни шу жиҳат баҳсларнинг қизиқарли ҳамда муросасиз кечишини таъминлади.

Кучли рақобат шароитига қарамай вакилларимизнинг совринли ўринларни эгаллагани эътирофга лойиқ. Жумладан, вазни 87 килограммдан оғир бўлган спортчилар мусобақасида Дмитрий Шокин ямайкалик Жейсон Грантни 31:1, италиялик Леонардо Басилени 8:2, германиялик Волкер Водзихни 11:2, кубалик Робелис Деспейнни 7:6 ва Кот-д'Ивуар вакили Фирмин Зокоуни 11:10 ҳисобида мағлубиятга учратиб, жаҳон чемпионлигига эришди.

Спортчиларимиздан Жасур Бойқўзиев (87 кг.) ва Никита Рафалович (74 кг.) эса кумуш медаль билан тақдирланди.

## Муносиб кутиб олинди

*Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида ўтказилган кўзи ожизлар ва заиф кўрувчилар ўртасидаги V Бутунжаҳон ўйинларида муносиб қатнашган паралимпиячиларимиз "Тошкент" халқаро аэропортида тантанали кутиб олинди.*

Дарҳақиқат, мазкур мусобақада вакилларимизнинг 5 олтин, 2 кумуш ва 5 бронза медални қўлга киритгани Ўзбекистонда спортни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ўз самараларини бераётганига яна бир ёрқин тасдиқ бўлди.

Сузиш баҳсларида иштирок этган Дмитрий Хорлин юксак маҳорат соҳиби эканини исботлади. У 200 ва 400 метр масофага эркин усулда сузишда барча рақибини ортда қолдирди. 100 метрга эркин усулда сузишда эса учинчи натижани қайд этди.

Шаҳзод Жуманиёзов 200 метр масофага комплекс усулда сузишда ғолибликка эришган бўлса, 50 метрга брасс усулида сузишда бронза медаль билан тақдирланди. Муҳаммад Абдураимов 100 метрга баттерфляй усулида сузиш бўйича иккинчи, 200 метр масофага комплекс усулда сузишда учинчи ўринни эгаллади.

Бутунжаҳон ўйинларининг дзюдо беллашувларида Ўткир Ниғматов ва Ширин Шарипов олтин, Шариф Халилов кумуш, Шуҳрат Бобоев ҳамда Турсунпошша Нурметова бронза медалга сазовор бўлди.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

«Юрт келажаги»:

## Иқтидор эгаларига эътибор

*Бухоро туманидаги Галаосиё педагогика коллежи ўқувчиси Дилноза Ҳамроева "Юрт келажаги" кўрик-танловининг вилоят босқичида "Адабиёт ва публицистика" йўналиши ғолиби бўлди.*

Ёш истеъдод соҳибларини излаб топиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ўғил-қизлар орасида соғлом ижодий рақобат муҳитини шакллантириш каби мақсадларга қаратилган анъанавий танловнинг қуйи босқичларида 3100 нафардан зиёд навқирон авлод вакили иштирок этди. Бу унга бўлган қизиқиш йил сайин кучаяётганини кўрсатди. Эътиборлиси, энг чекка ҳудудларда яшовчи ёшларга ҳам ўз иқтидорларини синаб кўриш учун имконият яратилди.

Тадбирнинг вилоят босқичида эса 400 нафардан зиёд йигит-қиз архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ҳамда техник ишланмалар, анъанавий ва амалий санъат каби жами 11 номинация бўйича маҳоратини намойиш қилди. Ғолиблар ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Энди улар кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этадилар.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Китобхонлар байрами

*Китоб — инсонни маънавий камолот сари етакловчи восита, илм дурдоналарини авлодларга етказувчи бебаҳо бойлик. Шу боис ҳар бир ўзбек оиласида китоб мутолаасига алоҳида эътибор қаратилади.*

**ФЕСТИВАЛЬ**

Пойтахтимиздаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган "Китоб бизни бирлаштиради" деб номланган китобхонлар фестивали бунинг ёрқин тасдиғи бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика Байналмилал маданият маркази, Республика болалар кутубхонаси томонидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари, ахборот-ресурс марказлари ходимлари, ўқувчи-ёшлар қатнашди.

Фестивалда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ўғил-қизларнинг китобга бўлган меҳрини янада ошириш, мутолаа маданиятини шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида алоҳида тўхталдилар. Бинобарин, ахборот-ресурс марказлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, уларнинг адабиётлар захирасини янгилаш ва бойитиш борасида ислоҳотлар ҳам катта самара бераётгани эътироф этилди. Чунончи, бугунги кунда халқ таълими тизимида 10 114 та ахборот-кутубхона муассасаси фаолият юритаётган бўлиб, уларда 26 млн. нусхадан зиёд китоблар, дарслик ва адабиётлар мавжуд.

— Халқ таълими вазирлиги мактаб ўқувчилари орасида китобхонликни тарғиб қилиш, қобилиятли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда, — дейди Республика болалар кутубхонаси директори Дониёр Ўролов. — Биргина ўтган йили умумтаълим мактабларининг кутубхоналарига 5,6 млрд. сўмлик бадиий адабиётлар харид қилинди. Шунингдек, уч босқичли "Китобхонлар байрами" тадбирлари, "Китобхон оила", "Китобхон мактаб", "Йилнинг энг яхши китобхони", "Зукко китобхон" каби ўнлаб республика кўрик-танловлари ўтказиб келинаётир. Бундан ташқари, ҳар йили Республика болалар кутубхонаси томонидан "XXI асрда болалар китобхонлиги" мавзуида илмий-амалий конференция ташкил этилаяпти.

— Устозимиз "Заминни, она-табиатни офтоб иситса, одам қалбини китоб илитади, ёритади ва нурлантиради" деб айтадилар, — дейди тадбир иштирокчиси, пойтахтимизнинг 147-мактаб ўқувчиси Сирожиддин Неъматов. — Шу боис синфимиз билан ушбу фестивалда фаол қатнашдик. Тадбирларда янги китоблар билан танишиш баробарида, бадиий асарлар муаллифлари билан учрашиш, суҳбатлашиш имкониятига эга бўлганимиздан жуда хурсандмиз.

Фестивалда энг фаол китобхонларга болалар адабиётларидан иборат совғалар топширилди. Тадбир доирасида юртимиз нашриёт-матбаа ижодий уйларида чоп этилган янги китоблар кўргазмаси ҳам ташкил қилинди.

Миллий маданият марказлари қошидаги болалар бадиий жамоаларининг чиқишлари фестивалга янада файз бағишлади.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**ҒАМХЎРЛИК**

*Наманган вилоятининг Уйчи туманида "Камолот" уйлари" қурилиб, фойдаланишга топширилди. Куни кеча ҳаракатнинг бир гуруҳ фаолларига мазкур хонадонлар калитлари тантанали равишда топширилди.*

# Ёшлар учун янги уйлар



Шу муносабат билан ўтказилган маросимда истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида ёш авлоднинг ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб камол топишини таъминлаш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш йўлида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Жумладан, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган ёшларга "Камолот" уйлари"нинг топширилиши ҳам ана шу саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодасидир.

Уйчи шаҳарчасида қад ростлаган мазкур тўрт қаватли иншоотда 32 хонадон мавжуд бўлиб, ҳар бири зарурий коммуникация тармоқлари билан жиҳозланган.

Янги уйга кўчиб ўтганлар орасида тадбиркорлар, таълим, маданият ва санъат вакиллари, иқтидорли спортчилар бор. Белбоғли кураш бўйича уч карра Ўзбекистон чемпиони Бахтиёр Турғунпўлатов — ана шундай бахтли оила бошлиқларидан бири. Кўплаб халқаро турнирлар ғолиби, 2007 йилда ўтказилган Универсиада ўйинларининг совриндори бўлган бу йигит айни пайтда тумандаги 30-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида мураббийлик қилмоқда.

— Юртимизда биз, ёшларга жуда катта эътибор қаратилаётганини ҳар биримиз дилдан ҳис этиб, кўриб турибмиз, — дейди Б. Турғунпўлатов. — Шаҳримиз кўркига кўрк қўшган мазкур бино замонавий архитектура ва шаҳарсозлик талаблари асосида қурилган. Қолаверса, унинг узоқ муддатли кредит асосида бошланғич тўловларсиз тақдим қилиниши биз каби ёш оилаларга берилган катта имкониятдир. Бундай эътиборга жавобан барча соҳада ўз иқтидоримизни намойиш этиб, Ватанимиз ривожи йўлида сидқидилдан меҳнат қиламиз.

Тадбирда Наманган вилояти ҳокими Б. Юсупов иштирок этди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Раҳмонжон МАМАДАЛИЕВ олган сурат.


Эълон

**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!**

**«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ**

**сизларни 2015 йил 4, 9, 11 ва 16 июнь кунлари тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали ташкил этиладиган такрорий савдоларга таклиф этади.**

**Савдоларга Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг қуйидаги хўжалик жамиятлари устав фондидаги 100 фоиз банк улушлари қайта қўйилади:**

| Т/р | Объект номи | Сотилаётган объект | | Савдога қўйилаётган объект бошланғич баҳоси | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | манзили | асосий фаолият йўналиши | сўм | АҚШ доллари |
| 1. | «Kinder fruits» МЧЖ | Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 57-уй | Мева ва сабзавотларни қайта ишлаш ва концентратланган пюре ишлаб чиқариш | 16 450 897 500,0 | 7 269 733,26 |
| 2. | «Farg'ona kimyo zavodi» МЧЖ | Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Тарона кўчаси, 15-уй | Пахта целлюлозаси ва техник этил спирти ишлаб чиқариш | 59 142 493 600,0 | 28 997 104,14 |
| 3. | «Namangan qog'ozi» МЧЖ | Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Қурувчилар кўчаси, 50-уй | Ёзув ва офсет қоғози ишлаб чиқариш | 3 970 500 000,0 | 1 802 969,76 |
| 4. | «Vodiy muzqaymog'i» МЧЖ | Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 5-уй | Музқаймоқ ишлаб чиқариш | 1 064 409 000,0 | 521 871,45 |
| 5. | «Kosonsoy to'qimachi» МЧЖ | Наманган вилояти, Косонсой шаҳри | Трикотаж ипи, жунли ва яримжунли матолар, адёллар ишлаб чиқариш | 24 500 000 000,0 | 11 125 238,40 |
| 6. | «Nam tex» МЧЖ | Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 94-«Б» уй | Калава ип ишлаб чиқариш | 10 787 016 789,82 | 4 898 291,16 |
| 7. | «Namangan to'qimachi» МЧЖ | Наманган вилояти, Наманган шаҳри, 4-кичик туман, Тўқимачилар кўчаси | Калава ип ишлаб чиқариш | 62 941 505 000,0 | 28 228 561,11 |
| 8. | «Asia pipeplast» МЧЖ | Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Паркент кўчаси, 327-«Б» уй | Шиша толали қувурлар ишлаб чиқариш | 45 635 559 919,47 | 20 013 138,70 |
| 9. | «Registon plaza» МЧЖ | Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Шоҳрух кўчаси, 53-уй | Меҳмонхона хизматларини кўрсатиш | 42 967 000 000,0 | 18 842 861,40 |
| 10. | «Toshkent qog'ozi» МЧЖ | Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 23-уй | Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 29 198 000 000,0 | 12 804 567,86 |
| 11. | «Koson textile» МЧЖ | Наманган вилояти, Косонсой шаҳри, Мираҳмедов кўчаси, 28-уй | Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 1 663 864 000,0 | 729 675,30 |
| 12. | «Kurgan tex» МЧЖ | Андижон вилояти, Жалақудуқ тумани, Ойим қишлоғи, Мадаминов кўчаси, 46-уй | Калава ип ва мато ишлаб чиқариш | 40 439 253 000,0 | 17 734 336,57 |
| 13. | «Eastbrick» МЧЖ | Қашқадарё вилояти, Қамаши тумани, «Қизилтепа» ҚФЙ | Ғишт ишлаб чиқариш | 2 845 645 000,0 | 1 322 012,44 |
| 14. | «Marg'ilon bo'yoq tekstil» МЧЖ | Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 400-уй | Матони оқартириш ва бўяш | 7 752 752 000,0 | 3 399 912,29 |
| 15. | «To'ytepa tekstil» МЧЖ | Тошкент вилояти, Тўйтепа шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 2-«А» уй | Калава ип ва газлама ишлаб чиқариш | 57 710 000 000,0 | 25 308 295,47 |
| 16. | «Andijon charm» МЧЖ | Андижон вилояти, Олтинкўл тумани, Оқтепа қишлоғи | Қорамол ва қўй-эчки терисини қайта ишлаш ҳамда чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 6 003 004 740,0 | 2 943 226,49 |
| 17. | «Sogdiana pipeplast» МЧЖ | Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Тошкент кўчаси, 1-уй | Полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш | 3 145 245 000,0 | 1 542 089,14 |
| 18. | «Gazalkent stone» МЧЖ | Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Завод кўчаси, 1-уй | Гранит ва мармар плиталар ишлаб чиқариш | 5 790 000 000,0 | 2 838 791,92 |
| 19. | «Xumo to'qimachi» МЧЖ | Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, Наврўз шоҳкўчаси, 2-уй | Калава ип ишлаб чиқариш | 10 454 271 000,0 | 4 747 194,17 |
| 20. | «Poyteks» МЧЖ | Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Гўрўғли кўчаси, 4-уй | Классик ва спорт туридаги эркаклар пайпоғи, пахта ипидан тайёрланадиган боғлам материаллари ва тиббий бинтлар ишлаб чиқариш | 1 940 000 000,0 | 850 772,71 |

**Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотиш шартлари:**

Аукцион ғолиби улуш сотилиш баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги маблағни аукцион ўтказилганидан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Савдо объекти хўжалик жамияти фаолиятини тиклаш мақсадида киритилган маблағлар харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлаб берилиши шарти билан сотилади.

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотилаётган объектлар бўйича сотиб олиш учун тўловлар бир йўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдиғига фоизлар ҳисобланмасдан бўлиб-бўлиб, шунингдек, сотиб олиш учун тўловлар тўлиқ тўлангунга қадар объектни ўзгага бериш ва учинчи шахсларга гаровга (ипотекага) қўйиш ҳуқуқисиз (сотувчи — «Ўзмиллийбанк» бундан мустасно) тўланади.

Сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш муддати — 7 йилдан ошмаслиги лозим.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминоти билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариусда тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва суғурталаш билан боғлиқ харажатлар), аукцион ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар, аукцион ташкилотчисининг аукционни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлари ҳамда юзага келадиган бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Аукционда иштирок этиш истагидаги талабгор қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, шунингдек, аукционда иштирок этиш учун ваколатли вакил номига, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун — паспорт (истиқомат гувоҳномаси) нусхаси, аукционда ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси;
- икки нусхада ёпиқ конвертларга солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари:
- сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати, бизнес-режа.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Аукционда иштирок этиш истагидаги талабгорлар тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотилаётган «Marg'ilon bo'yoq tekstil» МЧЖ, «Eastbrick» МЧЖ, «Andijon charm» МЧЖ, «Sogdiana pipeplast» МЧЖ, «Gazalkent stone» МЧЖ, «Poyteks» МЧЖдаги улушлар бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида, «To'ytepa tekstil» МЧЖдаги улуш бошланғич баҳосининг 2 фоизи миқдорида ва «Xumo to'qimachi» МЧЖдаги улуш бошланғич баҳосининг 3 фоизи миқдорида ҳамда қолган барча улушлар бошланғич баҳоларининг 1 (бир) фоизи миқдоридаги закалат пулини «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Талабгорлардан юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни ҳамда буюртманомаларни қабул қилиш иш кунлари мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва аукцион бошланишидан камида уч соат олдин тўхтатилади.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан яқиндан танишиш истагидаги талабгорлар уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

**Савдоларга тақдим этилган таклифларни ўрганиб чиқиш белгиланган савдо кунлари соат 11.00 да бошланади ва қуйидаги манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали).**

Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:

**Сотувчи (банк):** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй. Телефонлар: (0-371) 234-11-22, 234-15-60. Тел./факс: (0-371) 234-43-31.

**Савдо ташкилотчиси:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона. Телефон: (0-371) 233-02-49. Тел./факс: (0-371) 233-23-40. Электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

717R/30

*Гувоҳнома № 005357.*



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 567. 119 619 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳих — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5